

987 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اسْتَوَى عَلَى بَعِيرٍ خَارِجًا إِلَى سَفَرٍ، كَبَرَ ثَلَاثًا، ثُمَّ قَالَ: «سُبْحَانَ الَّذِي سَحَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ، وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمْ نَقْلِبُونَ. اللَّهُمَّ؛ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبَرَّ وَالْتَّقَوَى، وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَى، اللَّهُمَّ؛ هَوْنَ عَلَيْنَا سَفَرِنَا هَذَا، وَاطِّعْنَا بَعْدَهُ، اللَّهُمَّ؛ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ، وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ، اللَّهُمَّ؛ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعْنَاءِ السَّفَرِ، كَآبَةِ الْمُنْظَرِ، وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي الْمَالِ وَالْأَهْلِ» وَإِذَا رَجَعَ فَاهْنَ وَزَادَ فِيهِنَّ: «آيُونَ تَائِبُونَ عَابِدُونَ لِرَبِّنَا حَامِدُونَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1342].

مَعْنَى «مُعْرِنِينَ»: مُطِيقِينَ، «وَالوَعْنَاءُ» يَفْتَحُ الْوَأْوَى وَإِسْكَانُ الْعَيْنِ الْمُهْمَلَةِ، وَبِالثَّاءِ الْمُتَّثَّةِ وَبِالْمَدِّ، وَهِيَ: الشِّدَّةُ، وَ«الْكَآبَةُ» بِالْمَدِّ، وَهِيَ: تَغْيِيرُ النَّفْسِ مِنْ حُزْنٍ وَنَحْوِهِ، «وَالْمُنْقَلَبُ»: الْمَرْجِعُ.

987. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқишида туяларига ўрнашиб олгач, уч марта такбир айтардилар. Кейин: «Субҳааналлазии саххоро ланаа ҳаазаа ва мaa куннаа лахуу муқринин ва иннаа илаа Робинаа ламунқолибуун. Аллоохумма! Иннаа насьалука фии сафаринаа ҳаазаал-бирро ват-тақваа, ва миналъамали мaa тардоо. Аллоохумма! Ҳаввин ъалайнаа сафаронаа ҳаазаа ватви ъаннаа буъда. Аллоохумма! Антасъохибу фисъсафар, валъхолиифату филъаҳл. Аллоохумма! Инний аъуузу бика мин ваъсаисъсафар, ва каъабатилъманзор, ва сууилъмунқолаби филъмаали валъаҳл»* дер эдилар. Қайтганларида ҳам шуларни айтардилар ва буларга: «Аайибууна, тааибууна, ъаабидууна, лиробинаа ҳаамидуун»ни* қўшиб қўярдилар».

* «Буни бизга бўйсундириб қўйган Аллоҳни поклаб ёд этаман! Биз бунга қодир эмас эдик. Албатта, биз Роббимизга қайтиб боргувчимиз. Аллоҳим! Бу сафаримизда Сендан яхшилик, тақво ва Сен рози бўладиган амални сўраймиз. Аллоҳим! Бу сафаримизни бизга енгил қил, узоғини яқин айла.! Сафарда йўлдош ҳам, аҳлу аёлда ўринбосар ҳам Ўзингсан. Аллоҳим! Мен Сендан сафар мashaққатидан, маҳзун аҳволдан ҳамда қайтганда молу-мулк ва аҳлу аёлда ёмонлик бўлишидан паноҳ сўрайман».

* «Қайтгувчилармиз, тавбакорлармиз, ибодатгўйлармиз ва Роббимизга ҳамд айтгувчилармиз».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Сафарга чиқаётганда Пайғамбаримиз с.а.в.нинг қандай ҳолатда бўлишларини Абдуллоҳ ибн Умарнинг ушбу ривоятидан ўрганамиз. Ҳар масалада ўрнак ва бошчимиз бўлган Суюкли Пайғамбаримиз с.а.в. уловларига мингандан сўнг уч маротаба тақбир айтар кейин эса юқоридаги келган дуони айтиб, Зухруф сураси, 12-14-оятларини ўқир эдилар.

Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу ерда айтиб ўтган масалалари хақида бироз фикр юритадиган бўлсак, уларнинг сафарга чиққан барчасининг қайғуси бир эканлигини кўрамиз. Бу қайғулардан қутилиш учун қандай дуо қилиш кераклигини ва Аллоҳ таолодан нималар сўрашимиз кераклигини бу ҳадисдан ўрганмоқдамиз. Ҳар пайтда айтиладиган сўз фарқлидир. Маконга ва ҳолатга қараб мос сўз гапириш, ният ва тилаклар қилиш билим ишидир. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу дуолари, бир қул бўлиб сафарга чиқаётганда ва қайтаётганда энг мақбул сўзларни ичига олган. Шунинг учун бу бизга доимо ўрнак бўлиб қолажак.

Манба: hadis.islom.uz

